# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ŌZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 15 январ, №3 (3490) ●


## ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни — Қуролли кучларнинг аскарлари, сержантлари, прапоршиклари, офицер ва генералларини, уруш ва армия фахрийларини Ватан ҳимоячилари куни билан табриклайман!

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳли юртимиз сарҳадларини, кўпмиллатли халқимизнинг тинч ва бунёдкорлик меҳнатини қўриқлаётганларнинг барчасига юксак эҳтиром билдириб, бу байрамни миннатдорлик ва ифтихор билан нишонламоқда.

Ҳозирги вақтда Армиямизда улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳарбий билим юртлари тармоғи ва Марказий Осиёда ягона бўлган ҳарбий Академияни ўз ичига олган кадрлар тайёрлашнинг самарали тизими яратилди. Мамлакатнинг ҳарбий саноат салоҳиятини барпо этиш ва ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизими такомил топмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг халқаро майдондаги нуфузи ҳам сезиларли даражада ошди. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида турли давлатлар ҳудудида ўтган халқаро тинчлик ўрнатиш машқларида фаол иштирок этиш, шунингдек, юртимиз ҳудудида «Центразбат-97» ва «Центразбат-98» машқларининг ўтказилиши жангчиларимиз кенг тараққий этган давлатлар аскарлари билан теппа-тенг ҳаракат қила олишини очиқ-ойдин намойиш қилди.

1999 йилнинг мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилиниши чуқур рамзий маънога эга. Табаррук оилаларимизни, муҳтарама оналаримизни, меҳрибон опасингилларимизни, мунис ёрларимизни ҳимоя қилиш азал-азалдан Ватан ҳимоячиларининг муқаддас бурчи бўлиб келган. Сизлар ана шундай шарафли вазифани адо этаётганингиз билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди.

Бугунги кунда ҳарбий сафларга мустақиллик йилларида шаклланган ёшлар келмоқда. Уларни ҳарбий бурчни чуқур англаш, агар лозим бўлса Ватан ҳимояси учун жон фидо этишга ҳам тайёрлик каби олижаноб фазилатлар ажратиб туради.

Армиямиз минг-минглаб йигитлар учун чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби бўлиб қолгани қувонарлидир.

Азиз дўстлар!

1999 йилда Қуролли Кучлар ва бошқа қўшинлар тузилмалари ва жанговар имкониятларини миллий ва минтақавий хавфсизликнинг замонавий талаблари асосида такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар янги босқичга кўтарилади. Қўшинларимиз фаолияти янада сафарбар, жанговар ва самарали салоҳият касб этади.

Сизларни ишонтириб айтаманки, биз Қуролли Кучларда хизмат қилиш ҳар бир ёш йигит учун ғурур ва фахрга айланиши, Ватан ҳимоячилари ҳар доим эътиборда бўлиб, жамиятимиз ғамхўрлигини ҳис этиб туришлари учун барча ишни қиламиз.

Ҳарбий хизматчилар Ўзбекистонимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлаш учун барча куч ва билимларини бахш этишларига ишончим комил.

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз Ватан ҳимоячилари!

Сизларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва масъулиятли жанговар хизматингизда муваффақиятлар тилайман!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

## ЙИЛНИ ОЛТИН МЕДАЛ БИЛАН БОШЛАШ ЯХШИ-ДА

*Хушхабар*

Кейинги пайтларда мустақил Ватанимизнинг обрў-эътибори халқаро майдонда ошиб бораётгани, мустақиллик йилларида эришаётган ютуқларимиз нуфузли минбарларда эътироф этилаётгани ҳақида дунё матбуотида кўплаб ёзилмоқда. Ўзбекистон қисқа муддат ичида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топа олгани, демократия ва ошкоралик принципларига амал қилаётгани кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Янги йил арафасида Париждан ажойиб хушхабар келди. Бундан салкам икки аср аввал ташкил этилган Франция саноати, илм-фани ва маданияти ривожига кўмаклашиш Халқаро ассоциациясининг «Олтин медали» билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тақдирланган.

Бу қувончли эътироф, шубҳасиз, юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлиги остида мамлакатимизда амалга оширилаётган маданий ислоҳотларнинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинишидир. Мустақиллик йилларида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик алоқалари сезиларли даражада кучайди. Маданият соҳасида Париж ва Тошкентда ўтказилаётган турфа хил тадбирлар, кино, мусиқа, амалий ва тасвирий санъат ривожига доир кўргазмалар, маданият арбобларининг ўзаро учрашув-мулоқотлари, таниқли хонандаларимизнинг Сена соҳилларидаги концертлари икки дўст-биродар халқ маданиятларининг ўзаро яқинлашувига хизмат қилмоқда.

Шуни ҳам эътироф этиш зарурки, мазкур ассоциациянинг «Олтин медали»га Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб эришди.

*РАМАЗОН ИЛҲОМЛАРИ*

**Нуриддин АМИНЖОН**

## ИЛТИЖО

Парвардигор, йўлларда яхшиларга дуч айла,
Яхшиларни ёмонлик ёвга олмас куч айла.

Қоқилма деб ҳаётда ақл бердинг, онг бердинг,
Ғафлат уйқусин қувар оппоқ-оппоқ тонг бердинг.

Виждонимни то абад сақла менинг ўзимда,
Кўзларга тик қарашлик ҳаққи қолсин кўзимда,

Қаноатни ўзинг бер, қайтар бошқа йўл тутсам,
Қўлим синдир ўзгалар эҳсонига қўл тутсам.

Бекадрлик лашкари ҳеч келмасин рўбарў,
Фидойилик тахтини тарк этмасин шон, обрў.

Тоза гуруч ичида курмаги бор, тоши бор,
Инсонлар кўнглининг ҳам тозаси бор, ғаши бор.

Сочлар оқига монанд ортар манглай чизиғи,
Ёлғиз санга аёндур бу иншонинг тузуги.

Парвардигор, йўлларда яхшиларга дуч айла,
Яхшиларни ёмонлик енга олмас куч айла.



Ҳайит арафаси

*ЭПИГРАММАЛАР*

### ШИКОЯТЧИ

*Энг аввало туз татиган даргоҳини ёзди у,*
*Сўнгра бирга униб-ўсган ҳамроҳини ёзди у.*
*Бу дунёда қасд этгани тирик бир жон қолмагач,*
*Эвоҳ, ҳатто отасининг арвоҳини ёзди у.*

### ҚУРУҚ ЁҒОЧ

*Бир кимса, ҳар кавакда лоф уради бир қулоч,*
*Тақир пўстак, ялтироқ бошида қолмаган соч.*
*Бурнига хода етмас, энсангни қотиради,*
*Мевасини кутмагил, чунки у — қуруқ ёғоч!*

**Розиқ РЎЗИ**

## ҲАРБИЙ ҚУДРАТИМИЗ СОЛНОМАСИ

### Кеча мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланди

Тошкентдаги академик Ҳабиб Абдуллаев номли шоҳкўчадан юрсангиз, собиқ Туркистон ҳарбий округи штаби ёнгинасидаги музейга кўзингиз тушади. Бу — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий музейи.

Қарийб тўққиз ой давом этган таъмирлаш-ижодкорлик ишлари ниҳоясига етиб, куни кеча бу маскан яна юртдошларимизга хизмат қила бошлади.

Унинг уч қаватли замонавий, муҳташам биноси жойлашган ям-яшил, кўркам боғ дарвозасидан ичкарига қадам қўяр экансиз, беихтиёр ўзингизни ҳарбий салтанатга тушиб қолгандай сезасиз. Чор атрофда мустақил давлатимизнинг қудрати ва салоҳиятидан, мудофаа вазирлиги тизимидаги миллий гвардия ҳаётидан ҳикоя қилувчи ҳайкалларни, шиорлару кўргазмаларни, ўтмиш ва замонавий ҳарбий техника намуналарини кўрганда руҳингизда бардамлик ва ғурур уйғонади.

Яқинда музейда бўлиб ўтган «Очиқ эшиклар куни»да Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник М. Қамбаров, Темурийлар тарихи Давлат музейи илмий ходими, профессор И. Жабборов, республика «Нуроний» жамғармасининг раиси Б. Раҳимов, «Камолот» жамғармаси раиси Ҳ. Абдураимов, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси ижтимоий фанлар кафедраси мудири, полковник Р. Абдуллаев ва бошқалар йиғилганларни музей қайта иш бошлагани билан муборакбод этдилар ва музей жамоасига ижодий зафарлар тиладилар.

Биринчи қаватда жойлашган «Темурийлар даври ҳарбий санъати» мавзусидаги залдан ўрин олган «Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси» деб номланган 12 метрлик улкан диорама ва Амир Темур баҳодирларининг жанговар ҳаётидан ҳикоя қилувчи икки улкан чодир (1:40, 1:20 нисбатларда) кўргазма экспозициясининг асосини ташкил қилади. Уни иқтидорли ёш ижодкорлар — Мухтор Зоиров, Маҳмуд Самиғов ва Алишер Эргашевлар яратишган. Ўз ишини ҳаётининг туб мазмуни деб билган ижодкор гуруҳ аъзолари кунни тунга улаб, тинмай меҳнат қилдилар, дунё-дунё тарихий манбалар синчиклаб кўздан кечирилди. Нафақат тарихий асарлар, балки Темурийлар салтанати билан боғлиқ барча ашёлар, материаллар, ҳарбийларнинг ҳаёт тарзи, жанг эпизодлари билан боғлиқ икир-чикирларгача, хуллас, ўша даврга хос бўлган чуқур психологик жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмаган.

Кираверишдаги маҳобатли диорамада Амир Темурнинг 1395 йилда Терек дарёси бўйида (Дарбанд яқинида) Олтин Ўрда хони Тўхтамиш билан бўлган учинчи — ҳал қилувчи тўқнашуви тасвирланган.

Шу биринчи қават фойесида ёш рассом Рустам Зиёдуллаев қаламига мансуб улкан портрет қад кўтарган бўлиб, унда ҳам биз буюк бобомиз, соҳибқирон, беназир саркарда Амир Темур сиймосини кўрамиз. Ушбу асари учун Р. Зиёдуллаев «Умид» жамғармаси грантини қўлга киритди ва таҳсил олиш учун Италияга юборилди.

Булардан ташқари Амир Темур салтанати тўғрисида чуқурроқ маълумот берувчи ранг-баранг паннолар, қарийб 27 давлатни ўз ичига олган буюк Темур империясининг чегаралари тасвирланган рангдор харита, ҳарбий қўшинларнинг жойлашувидаги стратегик тартиб, жанговар хатти-ҳаракатлар олдидан қўшинни руҳлантириб, ёвларни таҳликага солувчи ҳарбий ноғоралар макетлари, темурийлар давлатчилигининг турли даврларида фойдаланилган рамзий ашёлар, туғлар, қўшин баҳодирлари қўним топадиган қароргоҳ-чодирлар кишини ҳайратга солади. Диорама рўпарасидаги деворда эса соҳибқирондан қолган бебаҳо ёдгорлик — «Темур тузуклари»дан парчаларни ўқийсиз.

— Ушбу ишларнинг амалга оширилишида ана шу лойиҳа раҳбари «GUNN-OSIYO» фирмаси директори, ташаббускор ёш ижодкор Ботирхон Назархоновнинг хизматлари чексиздир, —

**Давоми иккинчи бетда**

## СОЛИЖОН ШАРИПОВНИНГ ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ

Қирғизистондаги «Руҳоният» деб номланувчи маънавиятни тиклаш халқаро ассоциациясининг кенгаши Қирғиз Республикаси Ботири, космонавт — учувчи Солижон Шариповни ўзининг «Йилнинг энг машҳур кишиси» мукофоти билан сийлаган. Миллатдошимиз Солижон Шарипов бу мукофотга космик фазони татқиқ этишдаги самарали фаолияти, тинчлик ва тараққиёт йўлида халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустахкамлаш ишига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси учун сазовор бўлган.

**Ўз ахборотимиз**

## ҲАДИСИ ШАРИФДАН

***Барча яхшилик — хушхулқликдандир. Барча гуноҳ ва ёмонлик — дилдаги ғашлик ва одамлар кўзига уятли ишдадир.***

* * *

**Дўстингизни енгилроқ севингки, куни келиб у душман бўлиши ҳам мумкин. Душманингизга ҳам енгилроқ адоват қилингки, куни келиб дўст бўлиб қолиши мумкин.**

* * *

***Изн уч мартагача сўралади, агар изн берилса, кир, йўқса қайтавер!***

## ҚАДРЛИ ЭКАНМИЗ — ДЕМАК, БАХТЛИМИЗ



Дунёда қанча одам бўлмасин, ҳаммасининг кўнглида бир тилак — бир орзу: бахтли бўлай, саодатга эришай, дейди. Бахту саодатга эришмоқни эса ҳар бир одам ўзича тушунади, ўзича талқин этади... Кимлардир ўзи тушунган, ўзи талқин этган бахт-саодатга эришади, кимлардир эришолмай армонда ўтиб кетади... Бахт-саодат деганлари ҳар ким учун ҳар хил маъно-мазмунга эга экан, бунда мутлақ бир мезон йўқ экан, демак, бахт-саодат деган тушунча асл моҳиятдан йироқ экан-да... Бас шундай экан, инсонлар азобу захмат чекиб яшаб, нимани истайдилар, нени исботламоқчи бўладилар? Ахир, инсоннинг тинчгина, ҳаловатни, ҳузурни ҳис этиб турмуш кечириши учун кўп нарса керакмас-ку... Йўқ, кишиликнинг кўп минг йилликлар тарихи гувоҳ: инсон тўхташни хаёлига ҳам келтирмайди.

Шу зайлда жилд-жилд китоблар бунёдга келади, мўъжизалар кашф этилади, шаҳарлар қурилади, санъат, адабиёт, маданият асарлари дунё юзини кўради, ақлу ҳушни лол қолдирадиган марралар қайд этилаверади. Бу дунё, бу олам ана шундайин тезлику шиддатлараро айлангани айланган.

Бунёдкорликлар бунёдкори инсон... Шу ўринда яна ўша ўша савол кўндаланг тураверади — у нени истайди? Инсон ҳаётининг ҳар лаҳзаси, ҳар зумида бор эканлигини, нафас олаётганлигини, яшаётганлигини исботлагиси келаверади...

Ана шу аснода у ўз-ўзини изламайдими, ўзининг ана шу ўзлик йўлидаги излаш, топиш, қадран юксалишлар жараёнида ўзини масрур туйғулар оғушида ҳис этмайдими?! Инсоннинг қадр-қийматга нойил бўлиши бахт-саодатнинг юксак чўққиси эмасми?!

Шу маънода мен аёллар бахту саодат чўққисини эгаллаб бўлишган деб ҳисоблайман. Чунки улар аёллик захмату машаққатини енгиб, дунёга инсон тортиқ этиб, оналик даражасига эришиб, энг чиройли, энг шафқату шафоатли инсон сифатини оладилар, қадр-қиймат топадилар.

Ўзбекистон аёллари — оналар бу муборак ва мукаррам йилда яна икки карра қадрқийматлидирлар. Президентимиз бу йилни Аёллар йили деб атадилар. Менимча, Республикамиздаги эркагу аёл, ёшу қари — барча бу хушхабарни якдилона чин юракдан кутиб олдилар... Ахир ҳаммамизнинг ҳам дунёга келишимиз, дунёни танишимиз, дунёни тушунишимиз шу улуғ зот борлиги туфайли ва у билан боғлиқ тарзда кечган-ку...

Модомики, бу йил бус-бутунича бизга бағишланар экан, мен аввало оддий бир аёл, она сифатида, ундан сўнг жамиятнинг бир аъзоси, бир идора хизматчиси сифатида ундан нималарни кутаман?

Жамият тараққиётини Аёл — Она мавқеининг даражаси билан ҳам белгилашади. Ватанимизда юз бераётган янгиланишлар, кўтарилишларнинг барча-барчаси Аёл — Она турмуши, фаолиятига ҳам боғлиқ ва дахлдордир. Қадим Шарқимизда, Турон заминида азал-азалдан Аёл — Она қадр — қиймати баланд тутилган, эъзозланилган.

Мен эркакларимиз Аёлга — Онага нисбатан анъанавий қарашларини-муносабатларини бир қадар ўзгартиришларини истардим. Аёл энг аввало ўз хонадонида қадрли бўлсин, уни энг аввало эри суйсин. Эрлар унутмасинларки, аёл жисму жони кези келганда гулдан нозик, кези келганда эса пўлатдан мустаҳкам. Яъни, у чиндан ҳам заифа, ҳам кучли шахс. Аёл руҳи — дунёси ана шундай мўъжизавий сирсиноатга эга. Аёлни эрларимиз заифа деб камситмасинлар ва ёки жони пўлатдан мустаҳкам-ку, деб елкасига тоғдайин юмушларни ортмоқлаб қўймасинлар. «Аёл муҳаббат, садоқат, эътиқод маъбудаси бўлиши керак», — дегувчилар энг аввало ўзлари ўзларида ана шу сифатларни шакллантирсинлар. Фарзандларимиз қобил, комил инсонлар бўлиб етишишларини чин дилдан тилайман. Фарзанд фазлу камоли она кўнглини осмон қадар юксалтади, чеккан ранжу заҳматларидан рози бўлади. Ахир «Она рози — худо рози», — дейдилар-ку!...

Аёлга муносабат жамиятимизда унинг ҳаётда тутган ўрни, аҳамияти даражасида ташкил этилса. Унинг қадри янада баланд кўтарилса, унинг шаъни, ҳурмати кундалик ҳаётимизда чуқур ўрин олса ва бу одат тусига кирса... Аёл саломатлиги, ҳақ-ҳуқуқи, тинчлик-хотиржамлиги муҳофаза этилса, турмуши юксалса... Аёлларимизнинг гўзаллиги, ёшлиги асраб-авайланса...

Зотан, Аёли — Миллат онаси эъзозланган, қадри баланд тутилган эл-юрт юксалади, тараққий топади.

Ватанимиз бўйлаб Аёллар йили файзу шукуҳи, демакки, қувончу-ташвишлари кезиб юрибди. Умримизнинг бутун бир йилини хосиятли йил оғушида кечирмоқ, қадр топмоқ, бахту саодатга эришмоқ ҳамма юртдошларимизга қутлуғ бўлсин.

**Дилбар САИДОВА**
**«Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири**

## КУЮНЧАК БЎЛАЙЛИК



Минг йилларки инсоният дунёга ошиқ бўлиб яшайди. Минг йилларки дунё одамзотга ошиқлик истамади. Дилида бу дунёнинг моддий неъматларига ошиқлик жўш урган одамзот билиб-билмай хатоларга йўл қўйиши, нафс гирдобига қараб, боши айланиб, кўзи тиниши ва охир-оқибат турфа фожиаларга гирифтор бўлиши кўп кузатилган ҳодиса.

Бир донишманддан «Кенг дунёни тор қилган нарса нима?», деб сўрашганда: «Жаҳолат», деб жавоб берган экан. Хўш, жаҳолатга етакловчи нарсанинг асосида нима бор? Нафсга эгалик қила олмаслик эмасми? Эгасиз нафс одамзотни энг қабиҳ ишларга, каззобликка етаклаши табиий. Шунинг учун ҳам нафс билан жаҳолат она-болага ўхшайди. Бири иккинчисини яратади.

«Мавзу» кўрсатувининг Ўзбекистон телевидениесида пайдо бўлиши ҳам барча қабиҳлик ва ёвузликларга бошловчи нафсни жиловлашга, яхшиликка қаратилган бир қадамдир. «Мавзу» ижодий гуруҳи элимизнинг дилидан тилига чиқмай кўнгил қатларида ётган ниятларини салгина туртиб ўтди, холос. Лекин озгина ҳаракат натижасида йиллар давомида йиринглаб ётган муаммоларга бунчалар тез ва шиддат билан зарба берилиши оқибатида катта тўфонларга ўхшаш уйғонишни кутмаган эдик. Кимдир айтиши керак бўлган гапларни, кимдир кўтариши лозим бўлган долзарб масалаларнинг айримларини биз айтиб қўйибмиз, холос.

Бундай ўйлаб қарасак, катта-катта йиғинларда, Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари Кенгашларининг навбатдан ташқари бўлиб ўтган сессияларида юртбошимиз куйиб-пишиб адолатсизликларнинг илдизини очиб ташласалар-у, биз — журналистлар мум тишлаб ўтирсак — бу ҳам адолатсизлик-ку! Ахир, Ўзбекистон учун фақат Президент жон куйдирсину қолганлар томошабин бўлиб ўтирсинлар, дейилган жой йўқ-ку! Шундай экан, юрт равнақи, тараққиёти ва тараққиёт учун бўлаётган тўсиқларни очиқ-ойдин айтиб, унга ечим излаш ҳаммамизнинг ишимиз. «Мавзу» кўрсатуви ижодий жамоаси ана шу ишларнинг баъзиларигагина қўл уряпти, холос. Ҳали ёритилиши шарт бўлган мавзулар талайгина. Кўрсатув тайёрлаб, танқидий мулоҳазалар билдиришдан мақсад — қайсидир амалдорнинг юмшоққина ўриндиғидан безовта қилиш ёхуд кимнидир ёмон отлиққа чиқариб юзига лой чаплаш эмас, аксинча, танқид билан яхшиликка, ишимизни олдинга силжишига ёрдам бериш — бизнинг доимий шиоримиз.

«Мавзу» кўрсатуви сабаб, биз журналистлар танқид қилиш маданиятини ўрганаётган бўлсак, кўплаб корхона ва ташкилотлар раҳбарлари эса танқидга жавоб бериш маданиятини ўрганяптилар. Демак, бир кўрсатув орқали танқид қилиш ва унга жавоб бериш маданиятини ўрганишнинг нимаси ёмон?

**Рўзибой ҚЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Телевидениеси «Маърифат» муҳарририяти бош муҳаррири**

## УЙ-МУЗЕЙДА ШАХСИЙ КЎРГАЗМА

Кейинги пайтларда пойтахтимиздаги Ўрол Тансиқбоев уй-музейида кўпгина ибратли тадбирлар ўтказилмоқда. Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Ў. Тансиқбоевнинг шогирди В. Шевченко таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан рассомнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазмани Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т. Қўзиев кириш сўзи билан очиб, рассом ижодига тўхталиб ўтди. Шунингдек, Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков каби рассомлар ҳамда мусаввирнинг сафдошлари ва санъат мухлислари ижодкорни қутлаб, самимий тилаклар билдирдилар.

Кўргазмада В. Шевченконинг «Мажнунтол», «Чимёнда баҳор», «Искандаркўл», «Қизил дарахтлар», Ўрик гуллаганда» каби асарлари намойиш этилмоқда. Шунингдек, рассомнинг «Инжил»га ишланган «Муқаддас Петронинг қутқарилиши», «Давид ва Голиаф», «Сулаймоннинг қарори», «Шер билан олишаётган Самсон», «Момо Ҳавонинг яратилиши» сингари асарлари ҳаққонийлиги, нафислиги билан санъат мухлислари эътиборини тортмоқда.

**Р. ҲАСАНОВА**

# БАҲСЛАШИБ БЎЛМАЙДИГАН ҲАҚИҚАТ

### *Усмон Носир ва отаси Носир ҳожи ҳақида*

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг шу йил 27 феврал сонида «Усмон Носирнинг сўнгги ҳаёти» сарлавҳали мақолам босилгач, шоирнинг мухлислари, адиблар, адабиёт ўқитувчилари, журналистлар, шунингдек, адабиёт мухлислари турли саволлар билан мурожаат қилишди. Чунончи: «Ака, ёзганларингиз ҳақиқатми?» — «Албатта! Бари ҳақиқат!»; «Мақолангизда ёзишингизча, шу воқеани кўпдан буён билар экансиз. Олдинроқ ёзсангиз бўлмасмиди?» — «Бу саволга мақолада жавоб бор. Лекин такрорлашим мумкин; юз-хотирчилик, андиша» «Энди дарсликдаги маълумотлар нима бўлади?» — «Дарсликни ёзган мутахассислардан сўранг. Улар ҳақиқий далилларни инобатга олиб, дарсликдаги ноаниқликларни тузатишлари зарур».

Яна бир қаламкаш дўстимиз: «Усмон Носир Магаданда бўлгану лекин у ердан кетган», деди. Бу билан у нима демоқчилигини тушунмадим. Қайси манбага суяниб шу гапни айтди экан? Тўғриси, мен ундан «қаёққа кетган?», деб сўрамадим. Балки: «Усмон Носир у ердан кетиб, Кемеровога борган», демоқчи бўлгандир. Назаримда, шунга шама қилди. У ҳолда мен қуйидаги далилларни келтиришга мажбурман.

Москвада чиқадиган «Наука и жизнь» журналининг 1990 йилги 1—2-сонларида К. Николаевнинг «Чудная планета Колима» сарлавҳали мақоласи босилган. Унда айтилишича, қатағон йиллари Колимада қирқ мингта маҳбус бўлган. Шунча маҳбус 750 минг квадрат километр ер сатҳини (бу жуда катта майдон) абадий музлик, тунгиб қолган ботқоқ ва қатқалоқлардан тозалашган. Темир интизомга амал қилинган. Ҳеч қандай раҳм-шафқат бўлмаган. Инсон боласини чумолича қадрлашмаган.

Қирқ мингта маҳбус битта лагерга сиғмайди, бу табиий. 750 минг квадрат километр майдонда юзлаб маҳбуслар лагери бўлган. Усмон Носирни бир лагердан иккинчи лагерга кўчиришлари оддий ҳолдир. Лекин Кемеровога эмас! Бу жуда олис масофа! Йўл харажатини айтмайсизми! Инсоний ҳақ-ҳуқуқи шафқатсизларча топталган, асарлари рўёбга чиқмай, дил-дилидан эзилган шоир асаб касалига дучор бўлган, уни Ягодная қишлоғидаги марказий лагердан бошқа ёққа чиқаришмаган. Ягодная қишлоғи Магадандан 512 чақирим нарида. Тожихон опанинг ҳамда ўша ерда хизмат қилган божам — ички ишлар қўшини лейтенанти Патхиддин Фазлиддиновларнинг тасдиқлашича, Усмон Носир ўша ерда ҳалок бўлган — бандаликни бажо келтирган ва ўша ерда дафн этилган. Бу баҳслашиб бўлмайдиган ҳақиқат!

Ҳурматли ёзувчимиз Йўлдош Сулаймон менга «Жалада қолган гул» номли китобини тақдим этди. Китоб бошидан охиригача Колимада 25 йил маҳбусликда кун кечирган Тожихон опа Шодиева ҳақида. Тожихон опа 30-йилларда Олтиариқ райком партиясининг биринчи котиби лавозимида ишлаган ва ишлаб юрган пайтда ҳибсга олиниб, Колимага бадарға қилинган. У ерларда баҳор ва куз бўлмайди. Қиш бирдан ёзга, ёз бирдан қишга айланади. Ёз атиги икки ойгина давом этади. Ўн ой сурункали қаҳратон қиш ҳукм суради, 30-50 даража, баъзан 60 даражагача совуқ бўлади.

Китобда Тожихон опа билан Усмон Носирнинг ўша ердаги учрашувлари, мулоқотларига кенг ўрин берилган. Китобни изтироб ва ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Усмон Носирнинг табаррук ҳоки Колима ўлкасининг Ягодная қишлоғида ётибди, деган ҳақиқатни тиклаш зарур, албатта!

**Энди шоирнинг отаси Носир ҳожи ҳақида**. Мен Носир ҳожи билан яқин муносабатда эдим. «Ишчилар шаҳарчаси»даги кулбасида бир неча марта бўлиб, у зот билан суҳбатлар қурганман. Носир ҳожи маданиятли, гаплари мухтасар, доно мўйсафид эди, айниқса, тарихни чуқур биларди. Мен Ўзбекистон Бадиий адабиёт (ҳозирги Ғафур Ғулом номидаги) нашриётида бўлим мудири эдим. Ҳожи ота Усмон Носир асарларининг меросхўри. Яқинлигимизнинг боиси шундан эди.

60-йиллари «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси Усмон Носирга бағишлаб бир саҳифа эълон қилди. Саҳифада Темур Фаттоҳнинг ҳам мақоласи босилган эди. Унда Носир ҳожи Усмоннинг оёғига арқон боғлаб, қудуққа осиб қўйгани айтилганди. Шу мақола Носир ҳожининг мавқеини пасайтириб, уни ёмонотлиқ қилиб қўйганди. Ўша мақолани ўқигач, каминанинг ҳам ҳожига ихлоси бирмунча пасайди. Буни қарангки, ўша кезлари Темур Фаттоҳнинг ўзи нашриётга келиб қолди. У биздан таржима олиб турарди.

— Темур ака, мақолангизни ўқидим, ҳожи Усмон акани қудуққа осиб қўйгани ростми? — деб сўрадим мен.

Темур Фаттоҳ: «Ҳе, ўша ҳожини...», деб бўралаб сўкиб кетди. Кичик муҳаррир Роза Тазитдинова ўқдай отилиб хонани тарк этди. Малик Раҳмон билан иккаламиз қолдик. Мен яна савол бердим: «—Қудуқдан ўзингиз тортиб олдингизми?»

— Йўқ. Бу воқеани Усмоннинг ўзи менга айтиб берган. Болалигида шўхлик қилаверганидан ўгай ота — ҳожи уни қудуққа осиб қўйган.

Усмон Носир билан Темур Фаттоҳ қайсидир бир билим юртида ҳамкурс бўлишган. Улар Тошкентнинг Ўкчи гузари биқинидаги «Ўзбекистон» кўчасидаги ётоқхонада бирга яшашган. (Ўша кўчадаги кўприк қанотига суяниб турган Мадамин Давронни бир неча бор кўрганман. Эҳтимол, у ҳам бирга ўқирмиди... Бизнинг ҳовлимиз Ўкчининг юқорисидаги Ўғри кўчада эди. Кейинчалик Ўғри кўчага «Бешинчи мерганча», ундан кейин «Хизматчи» деб ном беришган).

Усмон Носир болалигида ўта шўх-олов бўлган. Ҳожи уни беҳуда қудуққа осмаган. Шу биргина жазо учун ҳожини ёмонотлиқ қилиб қоралаш ўринлимикан?..

Темур Фаттоҳ ўз мақоласида биргина «болалигида» деган сўзни ишлатмаган. Агар шу сўзни ишлатганида олам гулистон эди.

Усмон Носир ўсмирлик ва йигитлик чоғларида ҳам жуда шўх бўлган. Бу пайтда унга ҳожининг кучи етмасди. Ҳожи — ўрта бўй, қотма, жиккак одам эди. Темур Фаттоҳ, Ғулом Шоди, Шуҳрат, Неъмат Тошпўлатларнинг айтишича, Усмон Носир ҳамиша жўраларидан бир қадам олдинда юрган (Бу хусусият Ҳамид Олимжонга ҳам хос бўлган). Усмон Носир сердаромад — бойвачча бўлган. Улфатлари билан «Национал» ресторанига тез-тез кириб турган. Завзални чақириб: «Эшикни бекитинг. Ўтирганларнинг ҳаммаси менинг ҳисобимдан еб-ичади», деган. Ва улфатчилик тугагач, бутун ресторанда ўтирганларнинг харажатини тўлаб чиқиб кетадиган одати бўлган. Ана шундай улфатчиликнинг бир галгисида (Темур Фаттоҳнинг гапи) Лермонтовнинг «Демон»и таржимаси Усмон Носирнинг чўнтагида бўлган. Эрталаб қараса, таржима йўқ. Улфатларнинг биронтаси «мен олдим», демаган. Усмон Носир ич-ичидан йиғлаб, таржимани ёддан хотирлаб машиначига қайта айтиб ёздирган. Демак, ёниб таржима қилган. Акс ҳолда, шундай катта достоннинг таржимасини ёддан хотирлай олмасди. Бундай ноёб қобилият ҳали тарихда содир бўлган эмас!

Энди Носир ҳожи ҳақида янги бир гап. Носир ҳожи ватанини жонидан севган ва уни ўрис босқинчиларидан ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшган. Далил: ҳожи Афғонистондан қурол-яроғ сотиб олиб Қўқон атрофида ҳаракат қилган «босмачи» деб аталмиш ватанпарварларни мунтазам қуроллантириб турган. Бу фактни менга, тахминан қирқ йиллар муқаддам, Носир ҳожининг «Ишчилар шаҳарчаси»даги девор-дармиён қўшниси Хайри Қосимова айтиб берганди. Хайри Қосимова ўттиз йилдан ортиқроқ савдо соҳасида фаол ишлаган. Бир вақтлар Тошкент вилоятининг маориф бўлими мудири вазифасини бажарган, ўтган йил баҳорида 86 ёшида вафот этган кекса маорифчи Шораҳим Гадойбоевнинг онаси эди. Адам «Хайри опа» дердилар. Мен эса, Хайри амма дердим. У киши бизга қариндош бўлмаган. Лекин ҳамқишлоқ— чинозлик эди. Болалигида менинг бувимни эмган эканлар. Амма дейишимнинг боиси шундан.

— Амма, бу ҳақда бошқа оғиз очманг. Бу гапни биров эшитмасин. Эшитса борми, орган одамлари ҳожини оёғини ерга текизмай олиб кетишади. Кейин, билиб қўйинг, сизни ҳам тинчитишмайди, — дедим.

— Сенга айтдим-қўйдим-да, хўп, бошқа ҳеч кимга айтмайман, — дедилар.

Бу воқеанинг, яъни Носир ҳожи «босмачи» деб аталмиш ватанпарварларни қурол-аслаҳа билан таъминлаганини тасдиқловчи ёки дейлик, исботловчи ҳеч қандай ҳужжат далил менда йўқ. Афғонистонда биронта далил топилиши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, чет элларда муҳожирликда яшаётган кексалар орасида ҳожининг ўша йиллардаги ватанпарварлик жасоратини тасдиқловчи битта-яримта тирик қолганлар топилар...

Мен Хайри аммадан: «Бу воқеани сизга ким айтди, қаёқдан билдингиз?» деб сўрамабман ҳам, Тўғриси, у пайтларда бундай суҳбатлар ҳаммани чўчитарди. Одамлар қама-қамани кўраверib юрак олдириб қўйишган эди. Камина ҳам бундан мустасно эмасди. Ахир, ўша 50-йилларда Мирзакалон Исмоилий, Шайхзода, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Шукрулло, Неъмат Тошпўлат, Маҳмуд Муродов, Ёнғин Мирзо каби ўттизга яқин адиб ва зиёлилар қамалгани сир эмас-ку! Каминани ҳам роса сўроқ қилишган, хусусан, Маҳмуд Муродов тўғрисида. Маҳмуд ака «Ленин учқуни»нинг котиби, мен эса унинг муовини эдим...

Қани энди, Носир ҳожи буванинг табаррук хизматини тасдиқловчи ҳужжат топила қолса. Ноумид шайтон дейдилар, иншоолло топилар ҳам. Тошкент ҳамда Қўқонда ҳожини билган ва таниган, у зот билан ҳамсуҳбат бўлганлар эндиликда кам бўлса ҳам, ҳар қалай топилади. Ана шу одамлар ҳожи ҳақида ўзларининг ижобий фикрларини айтишлари шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтмоқчиманки, классик шоиримиз Усмон Носир, синглиси Роҳатхон опа ҳурмати, куёви шоир ва драматург Ўткир Рашид ҳамда кўркам ва ўктам неваралари ҳурмати ҳожи бува яшаган маҳалла «Носир ҳожи маҳалласи» деб аталса ва Қўқон шаҳар ҳокимияти биронта кўчани у зот номи билан атаса савоб иш бўларди. Носир ҳожи бу эъзозга муносиб инсондир. У умрининг сўнгги кунларигача «Ўғлим, Усмон!» деб фарзанд доғида ўтди.

**Мавлон ИКРОМ**

## *XX аср ўзбек адабиёти*



**Ёшлигимнинг саргузашти бениҳоят,**
**Бисоти ҳам тасоддифга тўлиб битган...**
**Кейин билсам, тасодифлар зарур экан,**
**Ҳодисани етакларкан сабабият...**

**Усмон НОСИР**

# БЎРОНДАЙ КЕЛИБ КЕТГАН ШОИР

### *Усмон Носир сиймосига бир назар*

Усмон Носир 1912 йилнинг 13 ноябрида Наманган шаҳрида дунёга келиб, 1918 йилнинг май ойидан бошлаб Қўқонда яшаб, ўқиб, вояга етди. Иккинчи отаси Носир ҳожи Қўқоннинг «Ғиштқўприк» даҳасида истиқомат қилиб, катта нуфузга эга бўлган Масодиқбойнинг иккинчи фарзанди эди. Бу йирик пахтачи бой фарзандларининг (унинг 6 нафар ўғли, 3 нафар қизи бўлган) маърифатли ва илмли бўлишига катта аҳамият берган. Носир ҳожи Масодиқов ҳам маърифатпарвар зиёли киши бўлган.

У 1916 йил арафасида Наманганда мулла Адҳам Охун ҳожининг Холамбиби исмли бева қизига уйлангач, унинг учун атай Қозон шаҳрида ношир-муҳаррир Я. Халилий томонидан «Ҳар бир зиёли аёл учун» 1913 йилдан бошлаб ойда икки маротаба чиқарила бошлаган. «Сюмеъ-Бика» хотин-қизлар журналига обуна бўлган. Журналнинг 1916 йилга тегишли 24 та, 1917 йилги 5 та сони оила архивида сақланиб келмоқда. Бу факт Усмон Носир маънавиятга, маданиятга катта эътибор берилган оилавий муҳитда вояга етганидан далолатдир.

1917 йилдан 1928 йилгача Наманганда ҳарбий хизматда бўлган Носир ҳожи Масодиқов Қўқонга тез-тез келолмагани боис ёш Усмоннинг тарбиясини укаси Ибоджон Масодиқовга топширади. Усмон 1920 — 1924-йиллари Қўқондаги 3-мактабда ўқийди. Унинг қизиқувчанлиги, зеҳни ўткирлигини сезган Ибоджон Усмонни шаҳарда янги очилган мактаб-интернатга беришга қарор қилади. Мактаб-интернат асосан йўқсил, етим-есир болаларни ўқитиш учун очилган эди. Шу сабаб Ибоджон Масодиқов жиянининг келажагини ўйлаб, унинг ўз отаси Маматхўжа домла вафот этганлигини рўкач қилиб, болани ўқишга жойлайди. Акаси Носир ҳожига буни тушунтирганда орияти кучли Носир ҳожи истаб-истамай розилик беради.

Усмон Носир 1924—1929-йилларда шу мактаб-интернатда ўқийди. Адабиёт муаллими Мухтор Муҳаммадийнинг кўмаги билан 6-7 синфдаёқ улуғ шоир Ҳамзанинг оқ фотиҳасини олиб, адабиёт майдонига кириб келади.

Шоир Туроб Тўла ибораси билан айтганда, Усмон Носир **«Шеъриятимизга шамолдай келиб кетди. Балки бўрондай! У шундай тўполон ва тўлқин билан келдики, унча-мунча шеърий услуб ва ижодни тўс-тўс қилиб юборди. Уни ўзимизда ўзбекнинг Лермонтови, Москва газеталарида «Шарқда Пушкин пайдо бўлди», деб ёзишди».**

Усмон Носир адабиётда 7-8 йилгина ижод қилди, аммо шундай мерос қолдирдики, бу мерос мумтоз асарлар қаторидан жой олди. У 1932 йили «Қуёш билан суҳбат», «Сафарбар сатрлар», 1934 йили «Трактороbod», 1935йили «Юрак», 1936 йили «Меҳрим» номли шеърий тўпламларни нашр эттирди. («Шаҳло» ва «Назмим» номли тўпламларининг қўлёзмалари шоир «халқ душмани» деб эълон қилингач, нашриётда йўқолиб кетган). У «Нахшун» (Уомон Носир ўз қўли билан ёзган ва архивда сақланаётган ҳужжатли достоннинг номини «Нахшон» эмас, «Нахшун» деб ёзган), битмаган «Норбўта» номли достонларини эълон қилди, шоир таржимасидаги А. Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани», М. Лермонтовнинг «Демон» («Иблис») поэмалари бадиий таржиманинг энг юксак намуналаридир.

Усмон Носир яратган тўртта саҳна асарларидан бизгача фақат «Атлас» (1934) ва «Душман» (1931) пьесалари матни етиб келган. У 1929 йили граждданлар урушини акс эттирувчи «Зафар» (бу пьеса 1937 йилгача Қўқон театрида қўйилиб келган) ва 1930 йили коллективлаштириш мавзуидаги «Назиржон Халилов» драмаларини яратгани ҳақида баъзи манбалардан биламиз, холос.

Адабиётимиз тарихида илк бор ва атиги бир марта ёш шоир ижодининг 10 йиллиги (1927 — 1937) нишонланган, бу шоир Усмон Носир эди. Адабий кеча Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида 1937 йил 27 январ куни ўтказилган. Бу Усмон Носир истеъдодига тан берилгани, унинг катта шоир эканлигини асословчи воқеа эди. Аммо тоталитар тузум, ғараз ва кўролмасликлар туфайли шоирнинг ҳаёти силлиқ кечмади. Унга, унинг истеъдодига тазйиқлар 1934 йилдан кескин тус ола бошлади. Оқибатда 1935 йил арафасида III курсда дорилфунунни ташлаб кетди. Самарқанд Педакадемиясининг ректори Карим Абдуллаев бу «ўжар, исёнкор, аммо истеъдодли», ўзбек адабиётининг фахрига айланиши мумкин бўлган талабага чақирув хатлар жўнатади. Аммо Усмон Носирдан дарак бўлавермагач, уни талабалар сафидан ўчиришга буйруқ чиқаради.

Хуллас, 30-йилларда ўтказилган «жамиятни тозалаш» сиёсати гирдобига тушиб қолган 21 ёшли Усмон Носир 1937 йил 14 июл куни ҳибсга олиниб, 1938 йили Сибирга сургун қилинди.

Сургуну қамоқхоналарда ҳам Усмон Носир асарлар яратган. 1940 йил 20 августда Магадандаги қамоқхонадан «халқлар отаси ва раҳнамоси» Сталин номига ариза ёзиб, маҳбусликда «битта шеърий роман, учта пьеса, бир қатор шеърлар» битганлигини айтиб, «Мен ҳали ёшман, мен ҳали ижод қилишим ва яшашим керак», деб озодликни сўраб илтижо қилади. Шоирнинг аризаси беэътибор қолмайди. Сталиннинг буйруғи билан Ўзбекистоннинг раҳбари Усмон Юсупов профессор Боровков, Сиддиқ Ражабов ва Мақсуд Шайхзодадан иборат текширув комиссиясини туздириб, шоир Усмон Носир ижодини ўрганиш ва хулоса чиқаришни талаб қилади. Батафсил ўрганув натижасида комиссия 1943 йили Усмон Носир ижодида «ҳеч қандай айб йўқ»лигини эътироф этади.

Аммо шоирнинг айрим «ҳамкасблари» яна ўз кирдикорларини давом эттирадилар, унинг республика Ёзувчилар уюшмасига юборган янги асарини сир тутиб, 1944 йилнинг 5 май куни тезкорлик билан чақирилган мажлисда уни бошқатдан қоралайдилар. Улар Усмон Носир 1944 йилнинг 9 март куни узоқ Шарқнинг Кемерово вилояти, Маринск тумани, Суслово қишлоғи (ҳозирги «Первомайск») ҳудудида жойлашган лагерларнинг бирида 32 ёшида дунёдан кўз юмгандан бехабар ҳолда унга қарши «курашардилар».

Бизга Усмон Носирнинг пок номи, шеъриятда яратган мактаби ва тенгсиз истеъдодининг намуналари қолди. Адабиётшунос, тадқиқотчилар олдида шоирнинг 1937 йили «Ўздавнашр» нашриётида қолган ва қамоқхоналарда битган асарларини топишдек улкан вазифа турибди.

ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР: мен ўтган йил март ойида Кемерово вилоятига Усмон Носир қабрини зиёрат қилиш ва вилоят ички ишлар бошқармаси архивидаги шоирга тегишли ҳужжатлардан кўчирмалар олиб келиш ниятида бордим. 21 март куни Кемерово вилояти бошлиқларидан бири полковник Владимир Михайлович Вепрёв билан бирга Маринск тумани Первомайск қишлоғи ҳудудидаги маҳбуслар қабристонига келдик. Шу кунларда истиқомат қилаётган 75 ёшли мўйсафид Анатолий Митрофанович Сирота билан суҳбатлашиб, анча-мунча янги маълумотларга эга бўлдик. У 1944 йили шоир сургунни ўтаган Суслово лагерида ҳарбий соқчилар бўлимида хизмат қилганини ва лагер маъмуриятининг шоир Усмон Носирнинг жасадини барча маҳбуслардек эмас, балки тобутга солиб, алоҳида қабрга қўйиш тўғрисидаги буйруғига биноан ўз қўли билан тайин жойга дафн этганини сўзлаб берди. Қорлар эригач, қабр қаерда эканини кўрсатиб бера олишини айтди. Суҳбатдан маълум бўлдики, 1961 йилгача, яъни собиқ Марказқўмнинг фармони билан Сибирдаги лагерлар тугатилгунча, Усмон Носирнинг қабрига ўрнатилган ёдгорлик турган экан...

Кемерово вилояти ҳокими Омон Тулеев мени ўз қабулига таклиф этиб, август ойида Усмон Носир қабрини очиб, текширувлар ўтказиш ва шоир ҳокини ватанига кўчиришда кўмаклашишни ваъда қилди. Архив ҳужжатларида Усмон Носир хокини аниқлашда икки белги борлигини қайд қилишган: медицина хулосаси бўйича шоирнинг чап оёғидаги беш панжаси йўқ ва у дафн этилаётганида қўлига 12192 рақамли белги-чўпхат бойланган.

Мен Усмон Носирнинг Кемерово ИИБ архивида сақланаётган «Дело»сидаги бир неча ҳужжатлардан кўчирмалар олиб келишга муяссар бўлдим. Бу ҳужжатлар шоир шахси атрофида тўғри-нотўғри гаплар, миш-мишларга нуқта қўяди, деб ўйлайман. Шу ҳужжатларга асосланиб айтиш мумкинки, Усмон Носирнинг 1944 йил 9 март куни вафот этгани аниқ. Унга берилган медицина хулосасига асосланиб айтиш мумкинки, шоир ҳеч қандай руҳий хасталикка дучор бўлмаган, сил касали билан оғригани эса фақат 1943 йили қайд этилган.

Усмон Носир умумий лагерларда сургун муддатини ўтаган, зона кутубхонасига мудир этиб тайинланган, ҳаваскорлар тўгараклари учун рус тилида пьесалар, қўшиқлар ёзиб берган. Лагер маъмурияти ҳурматига сазовор бўлган. Уни озод қилишни сўраб бир неча бор Сиблаг прокурори ва бошлиқлари НКВДга мурожаат қилишларига, Ўзбекистонда Сталин буйруғи билан тузилган комиссия шоирни оқлаганига қарамай, илтимосларга ҳамиша рад жавоби келаверган. Шоир роппа-роса 10 йилга қамалган эди. Ва 1947 йил июл ойида сургун муддати тугаб, озод бўлиши шубҳасиз эди. Ҳужжатлар шуни кўрсатадики, Усмон Носирни 1950 йилларда кўришган, у Магаданда эди, деган гаплар нотўғри.

**Нодира РАШИДОВА**

*Тадқиқот, ахборот*

# «УНИ ЎЗИМНИКИ ДЕБ БИЛАМАН»...

### *Умар Хайёмни Ғарбга машҳур этган ким?*

Умар Хайём номини эшитмаган одам кам топилса керак. Унинг ажойиб рубоийларини кўплар ёд билади, давраларда ҳикматлари янграб туради. Аммо Хайёмни Ғарбда XIX аср бошларидагина шоир сифатида танидилар. Ажойиб томони шундаки, Умар Хайём асарлари дастлаб аслиятда эмас, балки таржималари орқали оламга машҳур бўлган.

Умар Хайёмни бутун Европага шоир сифатида танитишда инглиз шоири, мутаржими, хайёмшунос олим Эдуард Фитцжералднинг хизматлари беқиёсдир. Эдуард Фитцжералд 1809 йил 31 мартда Суффолк шаҳрида инглиз оиласида дунёга келди.

Эдуард бошланғич таълим олгач, 12 ёшида Кайнковард диний мактабига кирди. 1816—1821-йиллари эса, Фитцжералд (кейинчалик «Фитц Жералд» тахаллусини олган) Парижнинг Бюри Сант Эдмунд мактабида таҳсил олди. 17 ёшида Кэмбрижнинг Тринити коллежига ўқишга кириб, таҳсил олаётган пайтида ёзувчилар — У. Теккери ва Х. Томпсан билан танишади. 1830 йили Парижга қайтиб боради. Аммо Эдуарднинг беқарор кўнгли уни яна Суффолкка етаклайди ва у ўша ерда ҳаётини гуллар, мусиқа ва китобларга бағишлайди.

Эдуард синчковлик билан илм-фан асосларини ўрганади ва фавқулодда истеъдодини намоён этади. Хусусан, унга шарқшунос олим Ж. Коуэллнинг таъсири кучли бўлди. Коуэллнинг Шарқ маданияти ва адабиёти ҳақидаги ҳикояларини соатлаб тинглаб ўтирган Эдуарднинг Шарққа ва унинг шеъриятига муҳаббати орта боради. Айниқса, Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асарини инглиз тилида ўқигандан кейин Шарқ адабиётига меҳри ортади. У профессор Ж. Коуэллнинг тавсияси билан 1856 йили машҳур форс-тожик шоири Абдураҳмон Жомийнинг «Соломон ва Абсол» достонини, кейин Шайх Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» номли асарини инглиз тилига таржима қилади.

Ушбу таржималар Эдуард Фитцжералд учун қийин, аммо шавқли ижодий ишнинг бошланиши эди. У вақтларда Англиядаги шарқшунос олимлар Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Фирдавсий, Ибн Синони яхши билишар, аммо Умар Хайём ҳақида ҳеч қандай тушунчалари йўқ эди. Фақат Англиядагина эмас, балки бутун Европада ҳам шундай эди.

Фитцжералд тез-тез Англиядаги Бодлейн кутубхонасига бориб турарди. Ана шу ерда у биринчи маротаба Хайёмнинг эски қўлёзмасига дуч келади. Уни авайлаб қўлга олар экан, ўзини буюк хазина олдида тургандек ҳис этади. Хайём рубоийларини ўқигани сари унга муҳаббати ортиб боради. Бундай дилкаш, жозибали асарларни дўстлари билан баҳам кўрмоқчи, уни тарғиб қилмоқчи бўлиб, улар таржимасига астойдил бел боғлайди. Таржима тайёр бўлгач, асарни адабиётсевар ноширлардан бўлмиш Фрезер ҳузурига олиб боради. Аммо ношир Эдуарднинг таржимасидан шубҳаланиб, узр айтиб қайтаради.

Эдуард ночор ҳолда таржимасини Бернард Каурич деган бошқа ноширга олиб боради. У ҳам аввал шоирга шубҳа билан қарайди. Чунки у пайтларда Англияда бундай шакл ва услубда ҳеч ким шеър ёзмасди. Минг ўй-хаёллар билан у 1859 йили бу китобни, ҳатто таржимон номини зикр этмаган ҳолда, «Эронлик шоир ва мунажжим Умар Хайём рубоиётининг инглиз тилига таржимаси» деган ном билан нашр қилдирди. Китоб 200 нусхада чоп этилганди. Китобчанинг ҳар бирининг баҳоси бир шиллингдан эди. Аммо шунга қарамай бир қанча вақтга қадар бу китобни ҳеч ким сотиб олмади. Бир йилдан кейин, 1860 йили унга танқидчи Розеттининг кўзи тушиб қолиб, бир нусха сотиб олади. Кейинчалик Суинберн ва Лорд Хафтон номли адиблар бу китоб ҳақида яхшигина тақриз ёзадилар. Шундан кейин бу китобчанинг довруғи шунчалик ошадики, ношир уни иккинчи маротаба қайтадан нашр этишга мажбур бўлади. 1868 йили унинг иккинчи нашри пайдо бўлади. Хайёмнинг мухлислари кун сайин кўпая боради. Йиллар ўтгач, гарчи бу китоб бир неча марта қайтадан нашр этилган бўлса ҳам, талаб ҳеч камаймас, энди у англо-саксонларнинг севимли китобига айланиб қолган эди. 1929 йилга келиб, Америкада Хайём рубоийлари инглизча таржимаси дастлабки нашрининг қиммати юз чандон кўтарила бошлаб, баҳоси 8 минг долларгача етди. Ўша йили Лондонда унинг нархи 1 мингу тўрт юз икки лирага чиққан.

Аммо ажабланарли жойи шундаки, бу китобнинг мутаржимини тўрт йилга қадар ҳеч ким танимасди. Ҳатто Эдуарднинг энг яқин дўстларидан бири Томас Карлайл ҳам шу вақт ичида бундан мутлақо бехабар бўлган. XIX асрнинг кўзга кўринган олимлари ва китобхонларидан Данто Розетти, Суинберн, Ричард Бертон, Уилям Симистон ҳам бу таржимага шубҳа билан қараганлар. Уларга бу гўё таржима эмас, балки отини яширган бирор инглиз шоири бўлиб туюлганди.

Биринчи нашрнинг бундай муваффақиятидан руҳланган инглиз мунаққидларидан бири Жон Раскин Эдуардга юборган хатида шундай ёзган: «Муҳтарам жаноб! Шу кунга қадар Сиз билан танишиш шарафига муяссар бўлганимча йўқ. Аммо чин кўнгилдан биз учун Умар Хайёмни таржима қилиб беришингизни истардик. Чунки бу кунга қадар бундай латиф таронани, ихчам ва гўзал шеърни ўқишга муяссар бўлмагандим. Сизнинг сеҳрли қаламингиз ўта нозиклик билан таҳрир ипига ўтказишга мушарраф бўлибди!»

Дарҳақиқат, Фитцжералд қайта яратган китобдаги рубоиёт шоирона дид ва баланд завқ билан таржима қилинган эди. Бу ҳақда О. Румер шундай ёзади: «Қофиядаги тартиб мутлақо Фитцжералдникидир. Асл нусхада қофиялар алифбе бўйича боради, яъни қофияланувчи сўз қайси ҳарф билан тугалланса, ўша инобатга олинади. Масалан, биринчи қисми «а» (алиф) бўйича, иккинчи қисм «б» (бе») ҳарфи бўйича ва ҳоказо. Аммо инглизчасида улар бир-бирлари билан мантиқан, руҳий равишда боғланади ва ҳатто баъзан грамматик чамбарчаслиги билан тугал бир бебаҳо асарни ташкил этади».

Эдуард иккинчи нашрни ҳам ношир Кауричга олиб боради. Айни пайтда, француз таржимони Николас Теҳрон кўлёзмасининг тош босма вариантидан 464 рубоийни таржима қилиб, ниҳоятда нозик ва чиройли безатиб, Хайём ашъорини нашрдан чиқарган. Фитцжералд бу таржима тўғрисида шундай деди: **«Николаснинг таржимаси менга кўп нарсани эслатса-да, мен тасаввур этган Умарга тенглаштира олмадим. Уни мутасаввиф шоирга айлантириб, шаробни худованд, деб билган майпарастга, қисқаси, сўфий шоирга ва шунга ўхшашларга айлантириб қўйган».**

Хайёмни даҳо шоир деб, унга сиғинган одамга, албатта, Николас таржималари ёқмаган эди.

Умар Хайём рубоиёти таржимасини Ғарбга тарғиб этгандан кейин Фитцжералд ҳаёти ва ижоди билан қизиқадиган, уни тадқиқ этадиган олимлар кундан-кунга кўпайиб борди. Дўсту ихлосмандлари Эдуард ҳақида эсдаликларини чиқара бошладилар, ҳатто ёзишмаларини нашрга тавсия этдилар.

**Фитцжералд умрининг охиригача «Умар Хайём рубоиёти»ни беш маротаба нашрга тайёрлади. Ҳар гал у янги маълумотлар киритар ва рубоийларни услуб жиҳатидану маъно томонидан ҳам сайқаллар эди.**

Эдуарднинг зийраклиги ва шоирона ҳассослиги туфайли форс тилидаги барча гўзал оҳанг ва маъно, сўзларнинг латиф ва нафислиги инглиз тилида акс этган. Инглизча рубоийларни ўқир эканмиз, ундаги «карвонсарой», «соқий», «Парвин», «Муштарий», «Жамшид», «Кайсухрав» каби қанчадан-қанча сўз ва нақлларни учратамизки, бугунги кунда фақат Англиядагина эмас, балки бутун Европа тилларида бу сўзлар ишлатилади. Ҳатто атоқли инглиз шоирларидан бири бу рубоиётдан илҳомланиб, «Соқий» тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Эдуард Хайём тилининг мафтуни эди. **«Сизга нисбатан, ҳақиқатан ҳам уни мен ўзимники, деб биламан,** — деб ёзган эди у дўсти Коуэллга. — **Унинг латиф тилинию гўзаллигини мен идрок этганимдек Сиз ҳеч қачон ҳис эта олмайсиз».**

Ростдан ҳам Фитцжералд Хайём ҳолатини, рубоийларнинг руҳини, ғоялар оламини чуқур ҳис қилиши табиий эди. Чунки Эдуард ҳам Умар Хайёмдек бу фоний дунёдан ҳеч қандай дилхушлик кўрмади. У бот-бот такрорларди: «Инсон озгина бўлса ҳам ғам-андуҳ пайида бўлмоғи керак, бўлмаса бу тозалигу бойлик, кўнгилхушлик қилиш ва ҳаётдаги осойишталик унинг руҳини заҳарлайди». Шунинг учун бўлса керак, у ҳаётдаги ғам-аламларни оддий ҳодиса, деб қабул қилар, маҳзун кайфиятда умр ўтказарди.

Машҳур шоир, мутаржим ва хайёмшунос олим Эдуард Фитцжералд 1883 йили етмиш беш ёшида оламдан ўтди. Эдуарднинг хоҳишига биноан унинг қабри устига: «Бизнинг яратувчимиз ўзимиз эмас, балки Худодир», деб ёзиб қўйилган.

**Муҳайё ЭШОНОВА**

# ҲЎҚАНДИЙ КЎЧИРГАН ҲИКМАТЛАР

### *Аҳмад Яссавий девонининг янги нусхаси топилди*

Мисрда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг янги нусхаси топилди. Шу вақтга қадар аллома қўлёзмаларининг қадимгиси бўлмиш бу мажмуанинг фотонусхасини Мисрдан келтирган Истанбул университети профессори Мертол Тулум билан суҳбатимиздан аён бўлишича, Миср кутубхонасида сақланаётган бу қўлёзмани котиб Мирза Абдул Қодир Ҳўқандий 1623 йили кўчирган. Ҳўқандий тахаллусидан ҳам кўриниб турибдики, котиб ватандошим. Асарнинг сўнгги варағидаги икки мисра шеърда, абжад ҳисобида қўлёзманинг кўчирилган санаси кўрсатилган.

Бу қўлёзма топилгунга қадар Яссавий ҳикматларининг мавжуд қўлёзмалари XVII асрга оид, деб тахмин қилинарди. Мазкур таржиманинг қимматли томонларидан бири — кўчирилган санаси аниқлигидир. Девон 117 саҳифадан иборат. Қўлёзмада 48 ҳикмат ва Яссавийнинг ўғли Иброҳимнинг ўлимига бағишланган Қул Умурийнинг достони бор. Аҳмад Яссавийнинг Иброҳим исмли ўғли бўлганлиги, уни шоирнинг душманлари ёшлигида ўлдиртириб юборганлиги хусусида фикрлар бор эди. Қул Умурийнинг бу янги топилган достони ушбу фикрларга янада аниқлик киритади.

Мажмуадаги қирқ саккиз ҳикматнинг бештаси Яссавийга назира тарзида ёзилган. Улар қуйидаги шоирлар қаламига мансуб: Шайдо — 1 назира; Қул Убайдий — 1 назира; Ҳаким ота Қулсулаймон — 1 назира; Шоир Муҳаммад — 1 назира; Қул Умурий — 1 назира.

Қолган қирқ уч ҳикмат Аҳмад Яссавийга нисбатан берилади ва бу ҳикматлардан ўн еттитаси шу вақтгача яссавийшуносларга номаълум эди. Янги топилган ҳикматларда Яссавий ҳаётига оид янги маълумотларни кўриш мумкин. Масалан, йигирма биринчи ҳикматда, Яссавий ўғли Иброҳим ҳақида ёзади. Айниқса, XI ҳикматига Яссавий ер остига (ертўлага) тушиб яшагани баён этилади. Маълумки, ҳазрат 63 ёшга етгач, қолган умрини ер остида яшади, деган фикрлар бор эди. Бу ҳикматда Яссавий айтадики, ер остига тушишга сабаб ҳазрати Муҳаммад (с. а. в.) пайғамбаримизга мотам тутиш бўлган. Аҳмад Яссавий олтмиш кеча-кундуз ер остида бўлганлигини: «Олтмиш кеча, олтмиш кун бўйича бир кеча йемак йедим», дея баён этади ҳикматда. Шунингдек, ҳикматда у меърож кечаси тушида пайғамбаримизни кўрганлигини айтган.

1998 йил 1—4 октябр кунлари АҚШнинг Лос-Анжелос шаҳрида «Марказий Осиё маданияти» мавзуида илмий анжуман бўлди. Анжуманда профессор Мертол Тулум Яссавий девонининг Миср нусхаси ҳақида маъруза қилган. Анжуманда Ўзбекистондан профессор Эргаш Фозилов иштирок этган. Яссавийшунослардан Камол Эрарслон ҳам бу қўлёзманинг қимматини алоҳида таъкидлаган.

Ҳозирги кунда туркиялик олимлар Мертол Тулум ва Меҳмет Тулум бу девонни турк тилида, Колифорния университетидан Ўз Тўпчи ва можор олими Андраж Бодраклигети инглиз тилида нашрга тайёрлашаётир. Бизга Яссавий ҳикматларидан фотонусхани лутфан тақдим этган профессор Мертол Тулумга миннатдорчилик билдириб, Яссавий ҳикматларининг янада қадимийроқ қўлёзмалари топилишига умид қиламиз. Уйлаймизки, Мисрда топилган янги нусха адабиётшуносларимизда, албатта, қизиқиш уйғотади.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
**ТошДУ турк филологияси кафедраси доценти**

# КЕЛИНГ, ҲАМКОРЛИК ҚИЛАМИЗ

**Вазирликлар, ҳокимиятлар, корхоналар, ташкилотлар, ҳиссадорлик жамиятлари, тижорат банклари, ўқув муассасалари раҳбарлари диққатига!**

**ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ КОМБИНАТИ**

**Қисқа муддатларда ва арзон баҳоларда**

— китоблар ва реклама проспектларини;

— акциялар, сертификатлар, лотерея билетлари, бланкалар, лицензиялар ва бошқа турдаги юқори даражада ҳимояланган ҳужжатларни;

— солиқ назорати, Давлат автомобил назорати, транспорт, савдо ва бошқа ташкилотлар учун рақамли ва рақамсиз тарзда олий сифатли ва оддий қоғозларга босилган турли хил бланк маҳсулотларини;

— этикеткаларни;

— гувоҳномаларни;

— талабалик билетлари, имтиҳон дафтарчалари, ўқув юртларини тамомлаганлик ҳақидаги дипломлар, малака бериш комиссияларининг аттестатларини;

— муҳр ва штампларни;

— клише;

— озиқ-овқат, саноат ва бошқа турдаги маҳсулотлар учун рангли тасвирлар билан безатилган картон қутиларни

**ТАЙЁРЛАЙДИ.**

Шунингдек, халқ хўжалигининг барча соҳаларида корхоналарга фойдали ҳамкорлик қилишни таклиф этади. Юқори даромад олишни кўзлаган инвестиция фондларига Тошкент полиграфия комбинати билан самарали ҳамкорлик қилишни таклиф этади.

**Сизларни қуйидаги манзилда кутамиз:**

**700129, Тошкент, Навоий кўчаси-30.**

**Тел: (371) 144-38-93, 144-54-04, 144-34-01.**

**Факс: (371) 120-65-77.**


# КУНЛАРДАН БИР КУНИ ШОДМОН ОТАБЕК...

*«Дўрмон ҳангомалари» китобига ҳазил-тақриз!*



Кунлардан бир куни
Шодмон Отабек
Ўғли ўғил кўрган
шодон отадек,
Қалбида зўр қувонч
ўйнаб «Қорбўрон»,*
«Яйловдаги нур»дай
куларди хандон.
Сўлим «Ширмонбулоқ
оқшомлари»* ҳеч
Кўз ўнгидан зум
сиракетмасди кеч.
«Энг бахтли кун»*келди бир нидо бирдан:
Устоз «Мирзакалон
Исмоилий»дан.
«Бугун «Тўқилмаган
латифалар»*ни»
Кулгига йўғрилган
саҳифаларни
Ўқиб кулоч ёзди
қувончим, иним,
Хурсандман,оқлабсиз
ишончим, иним!
Юксалсин ҳангома,
кулги хирмони,
Битсин энди тезроқ
«Дўрмон девони»*..
Қўллаб устозининг
муқаддас руҳи
Ортди муаллифда
ижод шукуҳи.
Тўрвани қўлтиқлаб Дўрмонга чопди,
Ҳамма ҳангомани шу жойдан топди.
Арғувон тагидан кон топиб олди
Ўзига ризқу рўз — нон топиб олди.
Унинг номи «Дўрмон ҳангомалари»*
Ичи тўла ҳазил, ҳангома бари.
Мана, қўлимизда ўша «кон» китоб,
Ўқинг, кулинг дея айлайди хитоб:
Кунлардан бир куни Ғофур ал Ғулом
Кулиш, кулдиришга изларди илҳом.
— Уйғун қандай шоир? — айт, Саид Аҳмад,
...Бало боласан-да, отангга раҳмат»...
«Кунлардан бир куни Абдулла Қаҳҳор
Ғофур, ярашдик деб, кулар пурвуқор»...
«Кунлардан бир куни Миртемир домла
Сергей Петровичга ўради салла»...
«Кунлардан бир куни Мақсуд Шайхзода
Ҳазилга йўл очди, кулдирди тоза»...
Ана, Мавлон Икром, Толиб Йўлдошлар
Кулгидош ёшларни Дўрмонга бошлар.
Абдулла Орифни «ўради» биров,
Вьетнамлик шоирга айланди дарров.
«Тилингдан ойноной», ширали, мазза,
Шуйтиб, жилаб кулгай Шукур Холмирза...
Китобни боплапсиз, Шодмонбек, ҳорманг,
Шунчаки мақтов деб хаёлга борманг.
Тўғри, кулиш осон, кулдириш қийин,
Ҳаммани кулишга кўндириш қийин.
Начора, шу ишни танлабсиз, иним,
Кулдириш дегани — меҳнат бетиним!
Мақтовга арзийди сиз ёзган китоб,
Ва лекин таҳрирбоп жойи ҳам сероб,
Баъзи ҳангомалар, «серселитра»
Кулгидан, ҳазилдан асар йўқ сира.
Баъзи воқеалар «ғовлаб» кетган сал,
Кулдириш ўрнига айлагай «Ўсал»
Баъзиларга ёқмас киноя, пичинг,
Текинга берса ҳам пичингдан кечинг!
Ҳазил ҳам туз каби, зарурдир меъёр,
Меъёрни бузишгач, панд еганлар бор!
Кўпларни чиндан ҳам машҳур айлабсиз,
Номига «машҳурни» чирмаб бойлабсиз,
«Рубоий домла»ю «Жуҳуд» Майсара»..
Сарлавҳалар созу, ханда бешира.
Гоҳо «қаҳрамонлар» кулишгай чакки,
Бундай «кулгилардан» егайсиз дакки!
Шу эрур алқисса, қиссадан ҳисса,
Лайлакнинг оёғи ўзига қисқа!
Дўрмонда ёзилган «очил дастурхон»
Ҳамроҳ бўлсин сизга ҳамиша, ҳар он.
Кулгидай жарангдор, — хитобингизга
«Қаҳқаҳа девони»* — китобингизга,
Кунлардан бир куни Тўлан табассум
Мақтаб тақриз битур, келгай шу мавсум!

**Тўлан ТАБАССУМ**


## «ЎЗБЕКНАВО»

гастрол-концерт бирлашмаси

барча ватандошларимизни, санъатсевар мухлисларимизни иймон-эътиқод, покланиш ва ўзликни англаш байрами — **Рамазон ҳайити** билан қизғин қутлайди.

Ушбу муборак айёмларда Яратган эгамдан барчамизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, юртимизга тинчлик-омонлик тилаб қоламиз.

Озод ва обод Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги ишларимизга Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!


# ТАНҲОЛИКДАГИ СИНОВ

*ёки эски ва янги робинзонлар*

*Бу ажиб дунё*

Маълумки, таниқли ёзувчи Даниэл Дефо романининг машҳур қаҳрамони Робинзон Крузонинг прототипи тарихий шахс — денгизчи Александр Селкирк ҳисобланади. Зеро, Александр Селкрик тақдир тақозоси билан Хуан Фернандес оролида тўрт йилдан зиёдроқ вақт яшаган ягона одам эмас. Тарихда кўплаб бошқа «робинзон»ларнинг номлари ҳам маълум.

Агар Александр Селкрик Дениэл Дефо истеъдоди туфайли меҳнаткаш ва жасур денгизчи рамзига айланган бўлса, бу борада испан денгизчиси Педро Серранонинг омади юришмаган, десак бўлади. Номи деярли унутилаёзган бу денгизчи танҳоликда яшаш бўйича Селкрикнинг «аждоди» бўлиб, у Маса-Тъерра оролида умрининг кўп қисмини ўтказган. 1450 йили Перу соҳилларида кемаси ҳалокатга учрагач, Хуан Фернандес архипелагидаги оролчага етиб олиш фақат унгагина насиб этди. Қуруқликнинг «гадой топмас» парчасида шўрлик денгизчи нақ ўн бир йилни танҳоликда ўтказди. Аммо бу оролчалар ҳам «Худо бехабар» жой эмас экан. Маълумотларга кўра, худди шу ерда турли даврларда олти марта «робинзон»лар учун ватан бўлган экан.

... XVII аср охирларида «қайта тарбиялаш» мақсадида бу ерга беш нафар денгизчини бадарға қилганлар. Уларнинг ягона айби — карта ўйинига ҳаддан ташқари муккасидан кетганликлари эди. Аммо муҳит алмашуви ҳам уларнинг қизиқишига заррача таъсир этмайди. Аксинча, турли мевалар ҳамда ов ўлжаларини ўртага тикиб, ўйинларини янада қизғин давом эттирдилар. Буни қарангки, нақ уч йилу тўққиз ойдан кейин келган қутқарувчилар оролда бешовлон қиморбозни эҳтиросли карта ўйини устида учратишди... Бутун борлиғи билан қиморга берилган денгизчиларни кемага чиқариш ва маданий ҳаётга қайтариш осон кечмади.

Шунга қарамай, кимсасиз оролда энг узоқ вақт яшаган киши сифатида беақл қиморбозлар ҳам, Селкрик ва ҳатто Серрано ҳам эмас, балки Жерми Бибснинг номи тилга олинади. Буюк Британиялик бу денгизчи 1911 йилда чўкиб кетган «Ажойиб фароғат» номли елканли кема ошпази бўлиб ишларди. Тинч океанининг жанубий қисмидаги ороллардан бирида мажбурий «фароғат»... 74 йилга чўзилди. 1985 йили «тарки дунё» қилган бу инсонни тасодифан кўриб қоладилар ва ватанига элтиб қўядилар.

Аёллар ўртасида робинзонлик бўйича рекорд натижа галасат номли ҳинду қабиласи йўлбошчисининг қизи Каранага тегишли. Бу воқеа 1835 йилда Калифорниянинг жанубий соҳилидаги ороллардан бирида бошланган эди.

... Бир вақтлар кўп сонли бўлган галасат қабиласининг қолган-қутган аъзолари қадрдон юртларини тарк этишади. Ҳиндуларнинг неча-неча авлодини ўз эҳсонлари билан боққан Сан-Николас ороллари ҳувиллаб қолди. Ярамас оқ танли саноатчилар қаердан ҳам келишди-ю қисқа муддат ичида барча ҳайвонларни, қушларни, балиқчиларни ваҳшийларча қириб битирдилар. Энди ҳиндулар олдида ҳам очлик хавфи туғилди. Шунда галасатлар йўлбошчиси испанлардан ўз халқини «Катта ер»га ўтказиб қўйишни сўради. Қабила аҳли атиги битта кемага, ўзларининг таъбирича, «қанотли катта каноэ»га жо бўлди.

Муқаддас ер секин-аста кўзга кўринмай қолгач, кемадагилар ўз оролларида йўлбошчининг ўғли Рамо йўқлигини пайқаб қолдилар. Афтидан, у қирғоқда беркиниб қолган бўлса керак. Шунда кутилмаганда, мардлиги, чаққонлиги билан машҳур бўлган йўлбошчининг қизи Карана сувга сакрадию, кемадан қолиб кетди. Қирғоққа чиққач, ташлаб кетилган қишлоққа келиб, укасини топди. Рамо оролда қолган ягона эркак сифатида ўзини «йўлбошчи» деб эълон қилди. Ов қилиб, емак топиш ҳам унинг зиммасида, негаки, галасатлар қонунига кўра, аёл киши қўлига қурол олиши мумкин эмас. Афсуски, йўлбошчи жуда ёш ва тажрибасиз, атрофда эса сон-саноқсиз ёввойи оч итлар галаси изғиб юрарди.

Омадсиз кунларнинг бирида Рамо йўқолиб қолди. Кўп ўтмай, Карана укасининг жонсиз танасинигина топа олди, холос. Унинг баданидаги ўткир тиш ва тирноқлар изи йиртқичлар билан бўлган тенгсиз жангдан дарак берарди. Шундай қилиб, оролда шўрлик қизнинг танҳо ўзи қолди. Ҳаёт учун курашларда 18 йил сувдек оқиб ўтди. Ниҳоят, қуёшли кунларнинг бирида орол соҳилига каттакон кема яқинлашди. Қизнинг машъум тақдиридан ҳайратга тушган денгизчилар уни «Катта ер»га элтиб қўйишга зўрға кўндирдилар.

Робинзонлар рўйхатидан замондошларимиз ҳам кенг ўрин эгаллайдилар. Уларнинг аксарияти «ҳаваскор робинзон»лар, яъни ўз хоҳишига кўра таркидунё этмоқни ихтиёр этган одамлардир. «Ғаройиб саргузаштларни орзу қилсанг, амалий ишга ўт — уни ўзингда синаб кўр!». Уларнинг шиори ана шундай жаранглайди. «Кўнгилли робинзон»лардан бирининг кундалигида шундай сўзлар бор экан: «Кимсасиз оролда яшаган Робинзон Крузога ўхшаб, кундалик ёзиш қизиқ иш-да. «Бугун оролга келганимга тўрт йилу тўрт ой, уч кун бўлди...» деб ҳар кунлик воқеаларни ёзиб борган экан ўша бахтли инсон. Маза-да, чин маънода эркин бўласан. Бошлиғинг йўқ, бинобарин, ҳеч кимнинг қош-қовоғига қараб иш тутишга зарурият ҳам йўқ. «Тирикчилик» юзасидан кимнидир ака, кимнидир ука, деб ялинмайсан. Ҳатто ҳеч қандай пулнинг бир тийинлик кераги йўқ! (Робинзон бу ҳақда шундай деган: «Энди сен менга нега кераксан? Ортиқча матоҳ! Ҳатто ерга тушганингда, эгилиб олишга ҳам арзимайсан»). Хуллас, маза-да. Неки иқтидор, билим ва савиянг, режаларинг бўлса, мустақил, ҳеч қандай «сунъий» тўсиқсиз юзага чиқариш имконияти фақатгина кимсасиз оролда мавжуд бўлади. Нимаики иш қилсанг — ўз кучинг билан, яхшими ёки ёмон, натижасини ҳам фақат ўзинг кўрасан. Ҳеч ким сени танқид ҳам, маломат ҳам қилмайди».

Ҳа, голландиялик Антон Ван дер Ватернинг фикрлари ана шундай эди. У керакли асбоб-ускуналар, замонавий ов милтиғи, севимли китоби (албатта, Дефо!) ва бир қоп ҳар хил ўсимлик уруғларидан иборат «сафар жабдуғи»ни ҳозирлади-да, 1965 йилда Кариб денгизидаги кимсасиз ороллардан бирига «бош олиб» кетди. Янги Робинзон оролда ўзини жуда эркин ҳис этди. У «қорин ғами»дан қутилгач, соатлаб қумда ётиб, офтобда тобланарди. О, мазза! Мана ҳақиқий озодлик! Эркин қушсан. Аммо «замонавий робинзон» анчагина тажрибасиз эди. У тропик қуёшнинг жазирама нурлари остида меъёридан ортиқ тобланиб, кучли офтоб уришига дучор бўлди. Бечоранинг тасодиф туфайлигина оғир аҳволдан қутқариб қолишди. Лекин бу муваффақиятсизлик уни «узлатнишинлик»дан қайтара олмади. Касалхонадан чиққач, у яна қадрдон оролига отланди. Бу гал бадан куйишига қарши малҳам олишни ҳам унутмади.

Инглиз талабаси Майкл Свифтнинг робинзон бўлиш ҳақидаги режаси эса муваффақиятсиз тугади. Майклни Тинч океанидаги кимсасиз оролга элтиб қўйган яхта капитани қайтаётганида сирни беихтиёр «оғзидан гуллаб» қўйди-ю, иш чаппасига кетди. Миш-мишлар тезда Янги Зеландия божхоначиларига ҳам бориб етди. Зудлик билан етиб келган тартиб посбонлари талабанинг ҳужжатларини текшириб, тегишли виза бўлмаганлиги учун «робинзон»ни орқага қайтариб юбордилар. Ахир, кимсасиз орол Янги Зеландия давлатига тегишли эди-да.

Қалай биродар, кўнглингиз саргузаштларга бой узлатни тусамаяптими? Кимсасиз ороллар эса, эҳ, жуда олисларда!

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**


## Ўзбекистон Республикаси

**МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ «ЎЗБЕКТЕАТР» ИЖОДИЙ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, ТЕАТР ИЖОДКОРЛАРИ УЮШМАСИ**

Барча юртдошларимизни, театрларимиз ходимлари ҳамда мухлисларимизни муборак рамазон ҳайити билан муборакбод этиб, уларнинг хонадонларига тинчлик, ўзларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-омад тилайди. Янги йилда Театр санъати соҳасидаги табаррук устозларимизга самимий тилаклар билдириб, умидли ёшларимизга ижодий парвозлар ҳамроҳ бўлишини Яратгандан сўрайди.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзининг йиллик мукофотларига номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш бошланганлигини маълум қилади.

Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги мукофотлар қўмитаси номинациялар бўйича 1998 йилги мукофотларни олиш учун номзодларнинг ҳужжатларини 31 январгача қабул қилади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 49-51 уй.**

**«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.**

**Тел: 136-38-34**

**133-43-84**


# ТИЗЗАСИ ЙИРТИҚ ТАНИШИМ

*Ҳажвия*

Автобусда собиқ курсдошимни учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Итда тиним бор, менда тиним йўқ. Қийналиб кетдим. Гоҳида бор-э, деб ҳаммасига қўл силтагим келади-ю, яна ўзимни босаман.

Курсдошимга бир сидра разм солиб, унга раҳмим келди. Ахир, ҳозирги пайтда бирон ишнинг бошини тутолмай юрганлар озмунчами. Мени-ку, ишим тайин. Эрталаб бораман, кеч қайтаман. Назаримда, курсдошимнинг иши юришмай қолганга ўхшайди. Иккита чипта олдим. «Ҳарна, хурсанд бўлар», кўнглимдан ўтказдим. Бечора бола-чақани боқаман, деб анча ўзини олдириб қўйибди. Соғлигининг ҳам мазаси йўққа ўхшайди. Мен шу тобда, қандай бўлмасин, унинг кўнглини кўтаргим, унга ҳамдард бўлгим келди.

— Ҳозир қўлни қовуштириб ўтирадиган замон эмас. Ҳаммагаям оғир.

— Мени замон эмас, болалар куйдиряпти, — деди жони оғриётган одамдай афтини буриштириб.

Унга астойдил раҳмим келиб кетди. Болалари кап-катта бўлиб қолган бўлса керак. Отасининг ёнига кириб, бир-икки сўм топиш ўрнига куйдириб турса. Уни гап билан чалғитмоқчи бўлдим.

— Нима иш қиляпсан?

— Кичкина бир тижорат дўконим бор, шуни тебратиб турибман.

— Ҳали, шу ҳолингга, дўконинг ҳам борми? — деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолибман.

— Ҳа, энди, қўл учида... Тўрттагина сотувчим бор.

— Шу аҳволингдан нолияпсанми? Ношукур экансанку.

— Нолимай нима қилай, дўстим. Яқинда ўғлим машинасини уриб олди. Тузатиш учун озмунча пул сарфламадим. Бу зумраша нима дейди дегин: «Ремонтдан чиққан машинани ўзингиз мининг, менга «Нексия» олиб берасиз», дейди.

— Ия, машинанг ҳам борми? — дедим ҳайратимни яширолмай.

— Ўғлимники. Юз марта айтдим, олдин участкани битириб олайлик, деб. Икки қаватли, ўттиз икки деразали иморатни битказишни ўзи бўладими. Домда пастки қўшнимнинг квартирасини ҳам сотиб олганман. Икки ҳовлини бирлаштиришнинг ўзи бўлмайди. Бунгаям пул керак. Етмаяпти-да. Қизимни кўрмайсанми? «Курсдошларим «Тико» ҳайдаб келяпти. Менга ҳам олиб берасиз», деб хархаша қилгани-қилган. Хотиним-чи? Болаларни йўлга солиш ўрнига ўзи қилиқ чиқариб туради. Кўзига ёққан нарсани олдирмагунча қўймайди. Шу десанг, қон босимим тез-тез кўтариладиган бўлиб қолди.

«Сеники кўтарилмай, меники кўтарилсинми», — дедим ичимда.

— Шундай бойвачча одам нима қилардинг автобусга чиқиб?— дедим ғашим келиб.

— Таксида кетсам ҳам бўларди-ю, бошим айланиб автобусга чиқиб қолибман. Яхши қилган эканман. Сени учратдим, дардлашдим. Ҳозир ДАНдан келяпман. Ҳайдовчиликка ўқимоқчиман. У ҳам чиқим экан. Ўғлимга «Нексия» олиб берсам, «Волга» менга қоладиганга ўхшайди. Гапираверсам гап кўпу. Лекин мен уйимга етиб қолганга ўхшайман, — деди у ойнадан ташқарига аланглаб. — Чой-пой қиламиз демоқчи эдим-у, уйда ремонт кетяпти. Калла тиққани жой йўқ.

Сўнг у қучоғимдаги портфелга қараб:

— Ҳалиям шу портфелинг бутунми? Тоза чармдан бўлса керак-да, шунча йилга чидабди. Айтмоқчи, чиптанинг биттасини бергин, сўраб қолмасин.

Курсдошим урилиб-сурилиб эшик олдига боргач, мен томонга қараб:

— Уйимни биласан-а, болаларни олиб келгин, — деб бақириб автобусдан тушиб қолди.

Мен портфелимни қучоқлаганча унга нима деб жавоб беришимни билмай қолавердим.

Шуни айтса керак-да, иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулибди, деб.

**Қодиржон ҚАЮМОВ**

# «ЭНГ ЯХШИ...» ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ!

Ёдингизда бўлса ўтган йили Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Телевизион миниатюралар театри» томонидан «Энг яхши ҳажвий асарлар», «Энг яхши актёрлик ижроси» ва «Энг яхши режиссура» учун Республика танлови эълон қилинган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, бу танлов аввало халқимизнинг кулги ва табассумга, ҳазил-мутойибага қанчалар ўч эканлигини яна бир карра тасдиқлаган бўлса, айни чоғда шу тадбир сабаб бир қатор ижодкорлар, уларнинг янги асарлари ва ижрочилари кашф этилди.

Куни кеча ана шу танлов якунланди ва ҳайъат қарорига кўра қуйидаги ижодкорлар ғолиб деб топилдилар.

«Энг яхши ҳажвий асар учун» битта БИРИНЧИ ЎРИН Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджонга «Похолдўқ» интермедияси ва «Шакарангул» ҳажвий қўшиғи учун бериладиган бўлди.

Иккита ИККИНЧИ ЎРИНга эса ёзувчи Эркин Усмонов «Экспонат» асари ва ёзувчи Илҳом Зойир «Совға» ҳамда «Истиҳола» интермедиялари учун лойиқ деб топилдилар.

Учта УЧИНЧИ ЎРИНга қорақалпоқ ҳажвчиси Муротбой Низонов «Бозор кимники?», ёзувчилар Абдуғани Абдувалиев «Хонаки уста» ва Эгамназар Соҳибназаров «Отелло» асарлари учун муносиб кўрилдилар.

Шунингдек, «Энг яхши режиссура учун» таъсис этилган мукофотга Толиб Ҳамидов ва Рустам Қурбонов, «Энг яхши актёрлик ижроси учун» мукофотига таниқли кулги усталари Абдухолиқ Мамарасулов, Равшан Солиҳов ва Диас Раҳматовлар, «Энг яхши ҳажвий қўшиқ ижрочиси учун» эса Муҳаммаджон Шокиров, Баҳодир Шокиров ва Ҳотам Ҳакимжоновлар сазовор бўлдилар.

Бундан ташқари М. Калонхонов, Қ. Нурмуҳаммад, Ҳ. Низомиддинов, Ў. Норматов, А. Жўраев, Ҳ. Мусабоев сингари бир қатор ижодкорлар ҳам танловда фаол иштирок этганликлари учун рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар.

Совринлар муборак, ҳамкасблар!

**ШУМ БОЛА**


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
1999 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Назм-наср бўлими: 136-55-78
Ижтимоий бўлим: 136-55-78

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Сирожиддин САЙЙИД

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Босишга топширилди 20.30.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 010. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6